

## Хафсизлик учун жалб этилган 400 мингга яқин ҳарбий, рекорд даражага етиши кутилаётган ҳожилар сони



15:10 / 08.08.2019 2766

Саудия Арабистони Ҳаж ва Умра вазирлиги берган маълумотга кўра, жорий йилги «Ҳаж-2019» мавсумини тартибли, хавфсиз, кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида ҳарбийлар, ички тартибни сақлашга масъул ташкилотлар, хавфсизлик хизматларидан иборат жами 400 мингга яқин масъул жалб этилган. Бу ҳақда Дин ишлари бўйича қўмита матбуот хизмати хабар беради.

Вазирлик мутасаддиларидан бирининг айтишича, улар миллионлар орасида кўзга кўринмаса-да, лекин хизматлари жуда ҳам муҳим. Улар ҳожиларга ўз пайтида керакли ёрдам кўрсатишга ва ҳаж амалларини

хотиржам, тартибли адо этишларига яқиндан кўмак бериш мақсадида, ҳукумат томонидан, биринчи маротаба, шу каби катта ададда жалб этилмоқда. Уларни Мино, Арафот, Муздалифа ва Жамаротда ҳар 20-30 метр оралиқ масофада жойлаштириш тажрибаси ҳам ушбу мавсумда ўтказилмоқда.

Вазирлик берган маълумотга кўра, жорий мавсум мамлакат тарихида энг кўп ҳожилар келиши кутилаётгани айтилади.

Жорий йилнинг 7 август куни Жидда шаҳрида мазкур мавзуга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда паспорт назорати бошлиғи, генерал Сулаймон ибн Абдулазиз ал-Яҳё шу кун соат 16:00га қадар Саудияга кирган ҳожилар сони 1 838 339 нафарни ташкил этганини қайд этди. Матбуот анжуманида таъкидланишича, бу йил 3-3,5 миллион инсон ҳаж ибодатини адо этиши кутиляпти.

***Islom.uz* портали таҳририяти**